


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯЛАНИШ



ХУҚУҚИНГИЗ БОР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НИЁЗОВА САЛОМАТ САПАРОВНА

**ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯЛАНИШ
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

Рисола

Тошкент – 2021

УЎК: 343. 541 (041) (575.1)

**Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий
кенгашининг 2020 йил 25 июнданги 05-сон қарори билан нашрга
тавсия этилган.**

С.С. Ниёзова.
Зўравонлиқдан ҳимояланиш
хуқуқингиз бор. Рисола. –
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 38 б.

Такризчилар: Г.С. Маткаримова – Тошкент шаҳар “Зўрлик
ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реаби-
литация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз
жонига қасд қилишнинг олдини олиш” маркази
директори, юридик фанлар доктори, профессор;
Ш. Ҳайдаров – Тошкент давлат юридик университети Жиноят хуқуки ва криминология кафед-
раси доценти вазифасини бажарувчи, юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ушбу рисолани тайёрлашда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
расмий ахборотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек,
зўравонлик ва тазиикнинг олдини олиш мавзусига бағишинланган
монография ҳамда бошқа нашрлар маълумотларидан фойдаланилди.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1-§. Зўравонлик ва тазиқ деганда нимани тушунасиз?	6
2-§. Зўравонлик ва тазиқнинг қандай турлари бор?.....	7
3-§. Зўравонлик ва тазиқнинг келиб чиқиш сабабларига нималар киради?	12
4-§. Зўравонлик ва тазиқдан қандай ҳимояланасиз?	19
5-§. Зўравонлик ва тазиқларнинг умумий олдини олишга қандай чоралар киради?	21
6-§. Зўравонлик ва тазиқларнинг маҳсус олдини олиш деганда нимани тушунасиз?	22
7-§. Зўравонлик ва тазиқнинг якка тартибдаги олдини олиш масалалари қандай?	24
8-§. Зўравонлик ва тазиқдан жабрланишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ва улар самарадорлигини ошириш масалалари қандай?	34
Фойдаланилган адабиётлар.....	36

КИРИШ

Дунёда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, шахс ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги кунда барча давлатлар учун муҳим аҳамият касб этадиган вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда аёлларга нисбатан ишлатиладиган зўравонликларнинг 35 фоизи жисмоний ва жинсий шериклари томонидан содир этилган.

2017 йилда дунё миқёсида қасддан ўлдирилган 87000 та вояга етмаган ва аёлларнинг ярмидан кўпи (50-58 фоизи) янги танишлари ёки оила аъзолари томонидан ўлдирилган. Дунё бўйлаб 137 та аёл эса ўз оила аъзоси томонидан ўлдирилган. Зўравонликлар туфайли ҳалок бўлган аёлларнинг 33-50 фоизи эрларининг калтаклари туфайли вафот этган¹.

Бу, ўз навбатида, нозик жинс вакилларини майший зўравонлик жиноятларидан ҳимоя қилиш давр талаби эканини кўрсатиб турибди.

Жаҳон ва республикада жиноятчиликка қарши кураш, зўрлик феномени вужудга келиши, зўравонлик ва тазийк ишлатувчининг шахси тушунчаси, зўравонлик ва тазийк ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, бундай ҳолатлардан ҳимояланиш усуллари муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда зўравонлик ва тазийкларнинг олдини олишга доир ўзига хос миллий тизим ва норматив-хукукий асослар яратилиб, уни ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилгандиги натижасида фуқароларнинг турли ҳукуқбузарликлар ва жиноятлардан ҳимояланиш даражаси ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, инсонни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш муаммоси, амалдаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда ва жиноятни жамият

¹ <https://www.unwomen.org/en/what-we-do/ending-violence-against-women/facts-and-figures>

ҳаётидаги энг салбий ҳолат деб қаралғандагина ҳал қилиниши мүмкін ҳисобланади. Мазкур масалага ҳукуматимиз алоҳида эътибор бериб, барча ҳужжатларда жиноятчиликка, шу ўринда зўравонлик ва тазиикларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши кураш масаласини тарғиб қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ҳал қилиниши лозим ва муҳим бўлган масалалардан бири зўравонлик ва тазиикнинг олдини олиш ҳамда ундан ҳимояланиш ҳисобланади.

Ушбу оммабоп рисолада зўравонлик, тазиик тушунчаси ва унинг турлари; зўравонлик ва тазиикнинг келиб чиқиш сабаблари; зўравонликдан жабрланган ва зўравонлик содир этган шахсларнинг тавсифи; зўравонлик ва тазиикдан қандай ҳимояланиш ва унинг олдини олишга доир масалалар баён этилган.

1-§. ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Бизга маълумки, сўнгги вактларда аёллар, болаларни хўрлаш, уларга зўравонлик қилиш, тазийқ ўтказиш ва уларни камситиши ҳолатларига тез-тез гувоҳ бўляпмиз. Узоққа бормайлик. Фикримизнинг исботи сифатида бу каби ҳолатларга юртимизда истиқомат қиласидиган, хотижга кетган хотинига аччик қилиб, 4 ёшли қизчани урган собиқ ИИБ ходими, яъни қизнинг ўз отасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида “зўравонлик” сўзига зўравонларга хос хатти-ҳаракат; зўрлик, куч ишлатиш деган таъриф берилган.

“Зўрлик” тушунчаси одамлар ва жамият учун ўта хавфли бўлган жиноятни ҳам ўз ичига олади. *Масалан, одам ўлдириси, бирорнинг молини ўғирлаши, бирорга зўрлик ишлатиши, инсоннинг шаъни ҳамда қадр-қимматини таҳқирлаши ва ҳоказолар оғир гуноҳ саналади.* Ислом динида ҳам “одам ўлдирма”, “зўравонлик ишлатма” каби ақидаларга амал қилинади.

Зўравонлик шахсларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиласидиган гайрихуқукий ҳаракатдир.

Зўрлик тушунчаси тазийқ билан бир хил тушунчадир. Ўзининг ахлоқий мазмунида у нейтрал ҳисобланади. Чунки у ҳам ижобий, ҳам салбий мақсадларга эришиш воситасидир.

Тазийқ эса содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

Мисол: Ш. иккинчи турмуш ўртоги Ж. билан ўзаро келишмовчилик оқибатида унга жаҳл қилиб, 2012 йил декабрь ойидан 2013 йил 19 апрель кунига қадар ундан аламини олиш мақсадида 2005 йилда туғилган вояга етмаган ўгай қизи У.ни, 2008 йилда туғилган вояга етмаган ўгай ўғли Н.ни уларнинг ожиз аҳволдалигидан фойдаланиб, уларга зўрлик ишлатиб, дўпослаб, бошқача ҳаракатлар билан қийнаб, тазийк ўтказиб келган.

2-§. ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚНИНГ ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ БОР?

Зўравонликнинг жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий турлари мавжуд. **Жинсий зўравонлик бу** – хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизлик ва жинсий эркинликка тажовуз қиласиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсиадаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлашдир.

Жисмоний зўравонлик деб, шахсга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа хукуқ-бузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа хукуклари ва эркинликларига тажовуз қиласиган зўравонлик шаклидир.

Жисмоний зўравонлика қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ✓ шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш;
- ✓ зарб билан итариб юбориш;
- ✓ турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш;
- ✓ қурол билан хавф солиши ёки яралаш;
- ✓ уйдан чиқишига жисмонан йўл қўймаслик;
- ✓ кечаси ухлашга қўймаслик ва бошқалар.

Руҳий зўравонлик – шахсларни ҳақоратлаш, уларга тұхмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек, уларнинг хоҳиши-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан, репродуктив соҳада назорат қилиш, тазийә ва зўравонликдан жабрланувчидан ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя кила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (харакатсизлик) тушунилади.

Руҳий зўрлик – бу соғлиғига шикаст етказиш билан мулкини нобуд қилиш ёки жиноий ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш мақсадида жабрланувчига зўрлик ишлатиш билан уни қўрқитишидир.

Руҳий зўравонлика қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ✓ ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик;
- ✓ унинг фикрлари устидан кулиш;
- ✓ жазо чораси сифатида жабрланувчининг ҳиссиётларига эътибор бермаслик;
- ✓ ёлғон сўзлар айтиб, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш;
- ✓ унинг дўстлари ва қариндошларига хавф етказаман деб қўрқитиши ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик;

- ✓ жабрланувчи билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш;
- ✓ қариндош-уруғлар орасида шарманда қилиш;
- ✓ уйдан кетишини айтиб қўрқитиш;
- ✓ касал ёки ҳомиладор бўлганда, унга ёрдам беришдан бош тортиш,
- ✓ тиббий ёрдам олишига қаршилик кўрсатиш;
- ✓ доимий равишда танқид қилиш, хафа қилиш, газабга келтириш, яъни (сен жуда семизсан ёки озғинсан, ахмоқсан, энг бўлмағур онасан) ва ҳоказо.

Жисмоний ва руҳий зўрлик бир-биридан содир этиш усул ва воситаларига кўра фарқ қиласди. Хусусан, жисмоний зўрликда тан жароҳати етказади ёки инсоннинг хулқи, ҳаракат эркинлигини чеклади. Бу унинг организмида органик ёки функционал ўзгаришларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Руҳий зўрлик эса бевосита инсон руҳиятига таъсир этади ва руҳий жароҳат етказади ёки унинг хоҳиш-иродаси эркинлигини енгади.

Иқтисодий зўравонлик – шахсга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшashi ва камол топиши учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган хуқуқи, мулк хуқуқи, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид хуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

Иқтисодий зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ✓ бирламчи эҳтиёжлари (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори) учун асоссиз пул бермаслик;
- ✓ уй-жойдан фойдаланиш хуқуқини чеклаш;
- ✓ таълим олиш ва меҳнат қилишга рухсат бермаслик;
- ✓ қанча пул сарфлашини назорат қилиш;

- ✓ ўзи топган пулни тасарруф этишга йўл қўймаслик;
- ✓ оила бюджетидан фойдаланиш хукуқидан маҳрум килиш ва ҳ.к. харакатлар (харакатсизлик)да намоён бўлади.

Бугунги кунда кенг тарқалган зўравонликнинг яна бир тури – **кибер зўравонлик**. Зўравонликнинг ушбу тури интернет орқали муттасил давом этувчи, такрорий ва узоқ вақт давомида бирорнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи харакатларни амалга оширишда ифодаланади.

Руҳий зўравонликдан зулм ўтказаётган шахс анонимлиги Интернет орқали нотўғри ва ёқимсиз хабарлар туну кун кенг оммага тарқалиши ва жабрланувчига ғоят катта азоб-уқубат келтириши билан кескин фарқланади. Интернет тармоғидан фойдаланиб, иш ёки ўқиш жойи, оиласда турли хил ҳақоратлар, тухмат, таъна, миш-мишлар, уйдирма хабарлар тарқатишида ифодаланади. Шунингдек, Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали инсонинг руҳиятига қаттиқ таъсир этувчи, уни изтиробга солувчи бешафқат муносабат ва зўравонлик саҳналарини намойиш этишни ҳам шахсга бўлган зўравонлик деб эътироф этишимиз мумкин.

Бундай зўравонликларга учраган, ундан жабрланган ва зўравонлик содир этган шахсларнинг тавсифи қандай бўлади?

Зўравонликтан жабрланган шахслар хулқ-авторининг таҳтили натижасида унинг қўйидаги хусусиятларга эга эканлигини кўрамиз:

- ✓ жабрланувчига одамовилик, камгаплик хос бўлиб, оила аъзолари ва яқинлари билан мулоқот қилишни истамаслиги;
- ✓ ўзига паст баҳо бериш, шаъни, қадр-қиммати камситилганлиги юзасидан чуқур изтиробга берилиши;
- ✓ қўрқув ва хавотирдалиги сабабли ноиложсизлик ҳиссиётларини намоён этиши;

- ✓ ўзининг ташки кўриниши, табиий эҳтиёжларига бепарво бўлиб, тез-тез ўз жонига қасд қилиш тўғрисида фикрлаши ёки ўз ҳаётига суиқасд қилишга ҳаракат қилиши;
- ✓ овқат емаслиги ёки ҳаддан зиёд истеъмол қилиши, спиртли ичимликлар, гиёхванд/захарванд моддалар истеъмол қилишни хоҳлаши;
- ✓ мулоқот пайтида кўзларини олиб қочиши, кўз ёш тўкиши, одамларга ишончсизлик билан муносабатда бўлиши;
- ✓ ўз фарзандларига нисбатан лоқайд ёки тажовузкор муносабатда бўлиши аниқланди.

Зўравонлик содир этилии эҳтимолидан дарак берувчи аломатлар:

- ✓ зўравонлик тушунчаси ва турлари ҳақида маълумотга эга эмаслик;
- ✓ хотира ва ақлий фаолият сустлиги, ногиронлик;
- ✓ бошқа шахсдан моддий ва бошқа қарамлик, қўрқув мавжудлиги;
- ✓ ҳеч ким ёрдам бера олмаслиги тўғрисидаги фикрнинг муқаррарлиги;
- ✓ келиб чиқишини тушунтириб беролмаган турли тан жароҳатларининг мавжудлиги;
- ✓ қўл, юз ва тананинг бошқа қисмидаги шилиниш, кесиш, тилиниш, куйиш, тишланган жойлар;
- ✓ кийим остида яширинаётган тан жароҳатлари;
- ✓ юқори хавотир, бош оғриғи;
- ✓ спиртли ичимликлар/гиёхванд моддаларга ружу қўйиши.

Зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-авторига хос рұхий хусусиятлар:

- ✓ зўравоннинг тажовузкор хулқи дарҳол юзага келиб, талабларини бажаришларини хоҳлади;
- ✓ ўз жаҳлини бошқара олмайди, психологик зўриқиши пайтида ўзини назорат қилмайди;

- ✓ хавотирлик ва асабийлик ҳолатини бошқара олмаслиги тажовузкор хулқ-атворига сабабчи бўлади;
- ✓ ўз айини тан олмасдан, бошқаларга юклайди ва ўзини “жабрланувчи” деб эътироф этади. Содир этган қилмишининг оқибатларини англамайди;
- ✓ ҳар қандай танқидни кўтара олмайди ва ўзи содир этган қилмишининг ҳуқуқбузарлик эканлигини тан олмайди. Ўзини оқлашга ҳаракат қиласди;
- ✓ мулоқот давомида ҳеч кимга меҳр-шафқат кўрсатмайди ва мулоқотдан ўзини олиб қочади;
- ✓ спиртли ичимликлар/гиёхванд моддаларни суис-теъмол қилиши унинг тажовузкорлигини янада оширади;
- ✓ бегоналар олдида ўзини яхши томондан кўрсатиб беришга ҳаракат қиласди.

Суд-тергов амалиёти ва суд архиви материаллари таҳлил қилинганда, ушбу тоифадаги шахсларнинг асосий қисмини илгари судланган, ишсиз, спиртли ичимлик ва гиёхвандликка ружу кўйган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, маълумот даражаси юқори бўлмаган шахслар ташкил этади.

Зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар тоифа-сига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар;
- ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар;
- зўрликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар.

3-§. ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ САБАБЛАРИГА НИМАЛАР КИРАДИ?

Бугунги кунда зўравонлик ва тазийқнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлади, деган савол барчамизни қизиқтириб келади.

Статистик маълумотларда зўравонлик ва тазиқ натижасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга сабаб бўлган омиллар қўйидагича таснифланади:

рашк натижасида; тарафларнинг муросаси келишмаганлиги; ўч олиш ҳисси; мол-мулк талашиш; ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги; зўравонлик ва тазиққа сабаб бўлувчи фильмларни кўриш; бошқа сабаблар.

Маълумки, зўравонлик, тазиқ келиб чиқишининг ижтимоий майший сабаблари кўп ҳолларда оиласавий муносабатлар билан боғлиқдир.

Шундан келиб чиқиб, биз оила ичида содир этиладиган зўравонлик, тазиқнинг ижтимоий майший сабабларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Оила доирасида юзага келадиган зўравонлик, тазиқ ва ундан виктимлашиш – бутун жаҳон халқлари олдида турган муаммоли масалалардан биридир. Кўпчилик хорижий мамлакатларда оила доирасида зўравонлик, тазиқлар “оиладаги зўрлик ишлатиш” деб айтилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оилада зўравонлик, тазиқ кўп ҳолатларда болаларга нисбатан муайян мақсадларга эришиш натижасида содир этилади. Жумладан, ота-оналик вазифасини бажариш ва бунинг натижасида ўз мавқеи ҳамда ҳукмонлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Оиладаги катта ёшдагилар болаларга кўп ҳолларда раҳмсизлик билан муносабатда бўлади. Бунинг оқибатида эса шаклланиб қолган ҳуқуқлари туфайли улар турли хил ҳуқуқбузарликлар ва жиноят содир этаётганликларини билмайди.

Оиладаги низолар эса кўп ҳолларда уларнинг бир-бирига тан жароҳат етказиши ва қасддан одам ўлдиришига олиб келади.

Болалар ва кекса ёшдаги шахслар худди аёллар сингари зўравонликнинг курбони бўлиш эҳтимоли юқоридир.

Кўп ҳолларда айнан оиласдан зўравонликдан жабрланган шахслар ўзларига етказилган заар ҳақида ички ишлар органлари ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилиш майди. Бу кўпинча аёлларда кузатилади.

Суд-тергов идораларидан олинган маълумотлар ўрганилганда, аёлларга нисбатан эри томонидан зўравонлик ишлатилган тақдирда ҳам бу ҳақдаги маълумотларни ошкор қилмасликка, шундай ҳолатларни яшириш ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган тақдирида ҳам олган тан жароҳатини ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида олганлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Бунинг асосий сабабини аёлларнинг оиласидан бузилиб кетишидан қўрқиши, оила сирини ташқарига чиқармасликка интилиши деб изоҳлаш мумкин.

Оиласдан зўравонлик, тазийклар натижасида юзага келадиган низоларни ҳал қилиш учун фуқаролар, асосан, профилактика инспекторларига қандай мазмундаги аризалар билан мурожаат этишган?

Фуқаролар профилактика инспекторларига оиласдан зўравонлик, тазийклар натижасида юзага келадиган низоларни ҳал қилиши учун, асосан, қўйидаги мазмундаги аризалар билан мурожаат этишган:

- ✓ оиласда қайнона-келин ўртасида содир этилган низоли вазиятлар;
- ✓ эрининг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги;
- ✓ эрининг калтаклаши ва болаларига шафқатсиз муносабатда бўлаётганлиги;
- ✓ қариндош-уруғларнинг оиласа аралашуви (кўпинча ёш келинларга онасининг таъсири) оқибатида келиб чиқаётган низолар хусусида;
- ✓ мол-мулкни бўлиш ёки мерос талашиш масаласида;

- ✓ эрининг хиёнаткорлиги ёки хотинини хиёнатда айблаётганлиги;
- ✓ фарзандининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар тўғрисида;
- ✓ оиласдаги маънавий муҳитнинг носоғломлиги, шахснинг салбий хулқ-атвори ва уларнинг бошқа оила аъзоларига таъсири ҳақида.

Оиласда юзага келган низони бартараф этишда жабрланувчининг ожиз ахволда эканлиги унинг жабрланишига шароит яратади. Кўп ҳолларда жабрланувчилар ўзининг салбий хулқ-атвори, ахлоқи ва маънавиятсизлигини намоён қилиб, жиноятнинг жабрланувчисига айланади.

Зўравонлик, тазийклар натижасида юзага келадиган низоларга эр ёки хотиннинг бир-бирини рашк қилиши ҳам сабаб бўладими?

Ҳа, кўпгина зўравонлик ва тазийқ натижасида содир этиладиган жиноятларга эр ёки хотинни меъеридан ортиқ рашк қилиш ёки хиёнат қилишда айблаш каби омиллар сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар кўпинча эркаклар томонидан содир этилиб, аёлларнинг оиласдан кетиб қолиши, оиласнинг бузилиши, баъзида эса қасдан одам ўлдириш жиноятларининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Оиласда содир этилаётган зўравонлик ва тазийклар кўп ҳолларда эр ёки хотиннинг жабрланишдаги хулқи сабаб бўлиб, бундай жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига мурожаат қилинмаганлиги учун очилмай қолиб кетаверади.

Мисол учун: И. нинг хатти-ҳаракатларини айтиб ўтадиган бўлсак, И. турмуш ўртоғининг айтганини қилмай доимо унинг рашкини келтирган. Турмуш ўртоғи О. эса унинг ушбу ахлоқсиз хатти-ҳаракатини кўриб, нафратланган ва рашк орқали хотини И.ни бир неча маротаба калтаклаган. Бу ҳолат анча вақт давом этиб, яшириб келинган. Охирги калтакланиш натижасида И. кўп қон йўқотиб, воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган.

Оилада зўравонлик, тазийклар натижасида юзага келадиган одам ўлдириш жиноятини қандай гурухларга бўлиб ўрганамиз?

Агар биз оила ичида содир этиладиган зўравонлик, тазийк натижасидаги қасддан одам ўлдириши жиноятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, оилада эр ёки хотинини ўлдириши тўрт гуруҳга бўлиб таҳлил қилинади.

1. Faразлик билан қасддан одам ўлдиришнинг бу тури эр ёки хотини ўлдирилиши умумий миқдорининг **5 фоизини** ташкил қиласди. Faразли мақсадда содир этилаётган қасддан одам ўлдириш жиноятининг ушбу турига биз алимент тўлашдан қутулиш, яшаш жойига эга бўлиш каби мисолларни келтиришимиз мумкин.

Мисол учун: З. холосининг уйи ва пулларига эгалик қилиш мақсадида уни қасддан ўлдиради.

2. Турли мажбуриятлардан қутулиш мақсадида эр ёки хотиннинг бирини зўрлик ишлатиб ўлдириш. Бунга мажбуриятлардан қутулиш мақсадида сурункали оғир касалга доимий қараб туриш ёки қариб қолган кишига қарашдан бош тортиш мақсадида қилинган ҳаракатлар мисол бўла олади. Масалан, О. оғир касал бўлган хотинига қарашдан бош тортиб, уни ўлдирган.

Бундан ташқари, никоҳ билан боғлиқ бўлган муносабатлардан келиб чиқадиган қасддан одам ўлдириш жиноятларини ҳам киритишимиш мумкин. Масалан, никоҳдан ўтилган, аммо эр хотин никоҳининг бир-бирига тўғри келмаслиги ёхуд эр ёки хотин янги никоҳ тузиш мақсадида олдинги никоҳдан кутулиш учун ўлдириш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, Г. биринчи хотини О. ажрашишга розилик бермаса-да, у иккинчисига уйланиш мақсадида биринчи хотинини ўлдиришни режалаштиради ва уни иккинчи хотини билан алдаб, далага олиб чиқиб, ёқиб юборишиади.

Турли мажбуриятлардан кутулиш мақсадида қасддан одам ўлдириш жинояти пухта ўйланган ва режа асосида килинадиган жиноятлар сирасига киради. Шунинг учун ҳам ушбу жиноятдан жабрланиш ҳолати ва унинг яшириниб қолиши жуда юкоридир.

3. Рашқ туфайли эр ёки хотиннинг бир-бирини ўлдириши – бугунги кунда жиноятларнинг **50 фоизини** ташкил қилмоқда. Бундай одам ўлдириш кўпинча турмуш ўртоғи унга хиёнат қилинганида содир этилади. Бунинг учун эр ёки хотин аниқ хиёнат қилган бўлиши лозим.

4. Зўравонлик ва тазийқ натижасида оиласда ҳукмронлик ўрнатиш, оиласда ўз мавқени белгилаб олиш туфайли келиб чиқадиган низо оқибатида ўлдириш жинояти ҳам **50 фоизни** ташкил қиласди.

Булардан шу нарса маълумки, ўз эрини ўлдирган аёлларнинг ёки жабрланган аёлларнинг эрига нисбатан ижтимоий мақоми анча юқори. Бундай ҳолларда жиноий шароит вужудга келишига жабрланганларнинг ўзи сабабчи бўлмоқда.

Бундан ташқари, ўз эри томонидан раҳмсиз муомаланинг жабрланувчисига айланган аёллар ҳам қасд, ўч олиш орқали ўз эрига сиқасд қилишади. Улар ҳар доим ҳам хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қиласкермайди.

Мисол учун: В. исмли аёлнинг эри унга нисбатан мунтазам равишда раҳмсиз муносабатда бўлиб келганлиги натижасида аёл эридан ўч олишга тушган ва эрини қасдан ўлдирган.

Бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп бўлиб, бундай ҳолда жабрланган шахс ёки унинг яқини бу борада тезда ишонч телефонлари орқали хуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиши лозим.

Зўравонлик ва тазийқ учун жавобгарлик борми?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси ва қадр-қимматини поймол этиш, унга тажовуз қилиш, зўравонлик ва тазийқ ўтказишга қаратилган хатти-харакатларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, қасдан одам ўлдириши (97-модда); Кучли руҳий ҳаяжонланиши оқибатида қасдан одам ўлдириши (98-модда); Онанинг ўз чақалогини қасдан ўлдириши (99-модда); Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириши (100-модда); Ўзини ўзи ўлдириши даражасига етказиши (103-модда); Қасдан баданга оғир шикаст етказиши (104-модда); Ўлдириши ёки зўрлик ишилатиши билан қўрқитиши (112-модда); Жиноий равишида ҳомила тушириши, аборт (114-модда); Номусга тегиши (118-модда); Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишилатиб, гайритабиий усулда қондирини (119-модда); Кўп хотинли бўлиши (126-модда); Вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қилиши (127-модда); Ўн олти ёшга тўлмаган

шахсга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилиши (129-модда); Фоҳишахона сақлаши ёки қўшимчилик қилиши (131-модда); Зўрлик шилатиб, гайритабиий равишда озодликдан маҳрум қилиши (138-модда); Қасдан баданга ўртача шикаст етказиши (105-модда); Кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача шикаст етказиши (106-модда); Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиши (107-модда); Қасдан баданга енгил шикаст етказиши (109-модда); Қийнаши (110-модда); Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиши (111-модда); Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишига мажбурлаши (115-модда); Аёлни жинсий алоқа қилишига мажбурлаши (121-модда 1-қисми); Аёлни эрга тегишига мажбур қилиши ёки унинг эрга тегишига тўскىнлик қилиши (136-модда); Тұхмат (139-модда); Ҳақорат қилиши (140-модда) ва бошқалар.

4-§. ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНАСИЗ?

Зўравонлик ва тазииклардан ҳимояланишнинг энг яхши усули бу унинг олдини олишdir.

Зўравонлик ва тазиикнинг олдини олиш чора-тадбирлари уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва омилларини аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтириш, жабрланиш даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар амалга оширишдан иборатdir.

Эсада сақланг!

Сиз зўравонлик ва тажовуздан сақланинг!

Зўравонлик ва тазиикдан жабрланишнинг олдини олиш бўйича қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ✓ фуқароларга зўравонлик фактлари ҳақида ёки ўзига нисбатан таҳдид ва тажовузлар содир этиш ҳолатлари юзага келганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;
- ✓ низоли ҳолатлар ҳамда фуқароларнинг ғайриижтимоий ҳулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларига нисбатан лоқайд бўлмаслик;
- ✓ соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни таъминлаш;
- ✓ зўравонликдан жабрланган шахсларни вақтинча хавфсиз жойда (реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ёки ота-она ёхуд бошқа қариндош-уруглар олдида) бўлишлари учун уларга қисқа рақамли “1146” – ишонч телефонига мурожаат этиш мумкинлиги ва мавжуд муаммога тегишли ечим олиши ҳақида тушунтириш;
- ✓ оиласидаги низоли вазиятларни ижобий ҳал қилиш, оила аъзолари ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш ва бошқа оиласидаги масалалар юзасидан психологик ёки ҳуқуқий маслаҳат олиш;
- ✓ зўравонлик содир этган шахснинг ҳулқ-атворини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, унга нисбатан таъсир чораларини қўллаш мақсадида тегишли ваколатли органларга мурожаат қилишни доимий равишда ўргатиб бориш лозим.

Шунингдек, бундай ҳаракатларнинг олдини олиш учун умумий, маҳсус ва якка тартибдаги, зўравонлик ва тазиикдан жабрланишнинг олдини олиш чоралари кўрилади.

Зўравонлик содир этган ва содир этишга мойил бўлган шахслар билан:

- умумий, маҳсус;
- виктимологик профилактика олиб борилади.

5-§. ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚЛАРНИНГ УМУМИЙ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КИРАДИ?

Зўравонлик ва тазийқ натижасида содир этиладиган ҳукуқбузарлик ҳамда жиноятларнинг олдини олишга каратилган умумий чора-тадбирлар:

- ✓ зўравонлик ва тазийқ доирасидаги ҳукуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш соҳасидаги давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ✓ аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;
- ✓ зўравонлик ва тазийқ доирасидаги ҳукуқбузарлик ва жиноятлар сабаблари ҳамда содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш орқали амалга оширилади.

Зўравонлик ва тазийқ доирасидаги ҳукуқбузарлик ва жиноятларнинг умумий тартибдаги олдини олиш фаолиятини ташкил этишининг асосий мақсади маъмурий ҳудудларда яшовчи зўравонлик ва тазийқка учраган шахслар, оиласлар ҳақида тезкор вазиятдан хабардор бўлиш, содир этилиши мумкин бўлган низоларнинг барвақт олдини олишни таъминлаш, нотинч оиласлардаги ижтимоий руҳий-муҳитни соғломлаштириш ҳамда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишдан иборатdir.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирларига:

- хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- тазийқ ва зўравонлик сабаблари ҳамда шарт-шароитлари бўлган омилларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва баҳолаш;
- аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш;
- хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳол-

ларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уларни давлат статистика органларига тақдим этиш;

– фуқаролар, айникса, хотин-қизларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари, шунингдек, ҳимоя қилиш кафолатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

– хотин-қизларга нисбатан тазиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлашнинг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

– тазиқ ва зўравонлик содир этиш хавфи бўлган гурухларга мансуб шахслар ёки уларни содир этган шахсларга нисбатан олдини олиш чораларини амалга ошириш;

– тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

– хотин-қизларга нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш;

– айборларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш.

6-§. ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚЛАРНИНГ МАХСУС ОЛДИНИ ОЛИШ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Зўравонлик ва тазиикларнинг маҳсус олдини олишда зўрлик ва тазиқ натижасида содир этиладиган жиноятлардан мудофаани таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини кўпайтириш лозим.

Амалиёт шуни кўрсатадики, зўравонлик ва тазиқ натижасида содир этиладиган жиноятлар бўлажак жабрланувчи ва жиноятчининг мулоқоти вазиятида ривожланади. Бундай ҳолатда жиноятчининг жиноят содир этишига асосий

сабаб ва омилларни қўзғатмаслик зарур. Турмушда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг асосий қисми қасддан одам ўлдириш жиноятлари бўлиб, уларни вужудга келтирувчи асосий омил алкоголизм ҳисобланади. Бундай вазиятда дастлабки вазифа алкоголик ва гиёхвандликдан даволанишни ташкил этиш, психиатр ҳамда психолог мутахассисларга мурожаат этишдир. Ҳаёт бу чораларнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, психолог ва криминалистларнинг фикрича, аёллар номусга тегиши жиноятидан жабрланувчи бўлишининг олдини олиши учун қуйидаги қоидаларга риоя этиши зарур: тунги вақтда кимсасиз жойларда бир ўзи юрмаслик; нотаниш кимсалар билан овлоқ жойларга бормаслик; яшаш жойига нотаниш шахсларни олиб келмаслик; спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган нотаниш гурухларга бормаслик; нотаниш эркаклар билан ўзини сипо тутиши ва спиртли ичимликлар ичиб, ўзини ожиз аҳволга солиб қўймаслиги ва ҳоказолар. Агар нотаниш кимса тажовуз қиласа, аввало, унга руҳий таъсир ўтказиш керак.

Масалан, ОИТС ёки бошқа руҳий касалликларга чалинганини айтиш мумкин.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек, зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона электрон маълумотлар базасига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 18-моддасида субъектлар ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш механизми ҳамда чора-тадбирлари, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида ахборот олишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туну кун ишлайдиган, бепул

телефон линияси тармоғи (ишонч телефони) ишлаб туришини таъминлайди.

Телефон линияси тармоғи махфийликка риоя этган ҳолда фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Шунингдек, зўравонлик ва тазийқлардан ҳам ўзини ўзи химоя қилишда фуқаролар жиноий тажовузлардан зарурӣ мудофаага бўлган ҳуқуқларини тўлиқ ва қўрқмасдан рўёбга чиқариш йўли билан ўзини ўзи фаол химоя қилиши масалалари алоҳида дикқатга сазовор. Ҳимояга бўлган ҳуқуқ, жиноятчига фаол қаршилик кўрсатганда ва бунда унга зиён етганда, ўзининг ҳақлигига бўлган ишонч, ҳеч шубҳасиз, ҳужум қилувчининг криминал ҳаракатларига тўғри баҳо бериш ва химоя ҳаракатларининг оптималь вариантини танлашга кўмаклашадики, бу жабрланувчининг виктимлашувига йўл кўймасликнинг ҳал қилувчи омили бўлиб хизмат қиласди.

7-§. ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ ҚАНДАЙ?

Зўравонлик ва тазийқларнинг олдини олишнинг якка тартибдаги профилактикаси муайян шахс томонидан зўравонлик ва тазийқ содир этилиши ҳамда ундан жабрланишнинг олдини олиш, уни заарсизлантиришга қаратилган фаолиятдир.

Якка тартибдаги чора-тадбирлар – жиноятларни, ҳуқук-бузарликларнинг олдини олишни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-авторга эга, зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятдир.

Зўравонлик ва тазийқларнинг олдини олишнинг якка тартибдаги чора-тадбирлари муайян шахснинг хислатлари,

унинг ижтимоий мұхитига хос жиҳатлар, ижтимоий-маиший шарт-шароити ва турмуш тарзи, ғайриижтимоий хулқ-атвори, майший зұравонлик содир этишга мойиллиги, шунингдек, зұравонлик ва тазииклар натижасыда содир этган жиноятлар, ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилік даражасини ифодаловчи бошқа омиллар билан белгиланади.

Якка тартибдаги профилактика шахсда ижтимоий салбий қарашлар ва салбий хулқ шаклланишини бартараф қилишга, агар шундай хулқ шаклланиб қолған бўлса, ундан ижтимоий хусусиятларни ўзгартириш ва шу йўл билан зұравонлик ва тазиик содир этиши мумкинлигининг олдини олиш, уни тўхтатишга қаратилган чоралар кириб, ушбу фаолият алоҳида маҳсус субъектлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазиик ва зұравонликтан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасыда хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зұравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиб, хотин-қизларни тазиик ва зұравонликтан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зұравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уни содир этган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зұравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлардир.

Зұравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар якка тартибдаги профилактикаси деганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти тушунилади.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун қуидагилар асос бўлади:

- тазийқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;
- жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари;
- тазийқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш фактларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланishi;
- давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материаллар.

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазийқ ва зўравонлик фактлари аниқланган тақдирда бу хақда тегишли ички ишлар органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Ички ишлар органлари тазийқ ва зўравонлик тўғрисида оғзаки ёки ёзма хабар олганда, бундай ҳаракатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган якка тартибдаги чора-тадбирлар кўриши шарт.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турлари

ПРОФИЛАКТИКА СУХБАТИ

Тазийқ ва зўравонлик ҳулларини аниқлаган ваколатли оғзи ан ваки и томонидан тазийқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан ўтказилади



ҲИМОЯ ОРДЕРИ

Тазийқ за зўравонлиқдан жабрланувчига давлат ҳимояслини тақдим этувчи, таъсир кўрсатиш чорапарни қўлланилишига сабаб бўладиган хужжат



ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНУЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА МАХСУС МАРКАЗЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИШ

Зарур моддий, хукукий, ижтимоий, психологияк, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш



ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРЛАРИДАН ЎТИШ

Рўхий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга каратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат



Тазиик ва зўравонлик ҳолларини аниқлаган ваколатли орган вакили томонидан профилактика сухбати тазиик ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан қонунда белгиланган тартибда ўтказилади (қонуннинг 23-моддаси).

Муайян шахсни жамиятда умум қабул қилинган хулқатвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, гайриижтимоий хулқатворнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, шунингдек, қонунда белгиланган жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш мақсадида профилактика сухбати ўтказилади.

Ҳимоя ордери тазиик ва зўравонликтан жабрланувчига берилади. Тазиик ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилади.

Жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордерини бериш тартиби СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Тазиик ва (ёки) зўравонликтан жабрланган хотин-қизлар, жисмоний ёки юридик шахслар, ваколатли органлар ва тапкилотлар ходимлари	Хотин-қизлар тазиик ва (ёки) зўравонликтан жабрланганилиги тўғрисида ички ишлар органларига мурожаат килинади (хабар берилади).	Заруратга қараб
2-босқич	Ички ишлар органлари навбатчилик қисми	1. Мурожаат ва хабарлар ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарга қайд этилади. 2. Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмida белгиланган тартибда қайд этилган мурожаатлар ва хабарлар профилактика инспекторига тақдим этилади.	Дарҳол
3-босқич	Профилактика инспектори	1. Ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим	24 соат мобайнида Ҳимоя ордери

этилган мурожаатлар ва хабарларни ўрганиб чиқади ва унинг якуни бўйича тазийик ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда – ҳимоя ордерини расмийлаштиради; тазийик ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда – конун хужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақда фуқаролар йигини раиси, котиби, хотин-кизлар билан ишлатиш оиласаларда маънавий ахлоқий қадрияларни мустахкамлаш бўйича мутахассис иштирокида далолатномани расмийлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда – ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чикиш билан бир вактда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли хуқуқни муҳофаза килувчи органга юборади

2. Ҳимоя ордери берилгани ҳакида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (булими)нинг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гурухи)

берилганидан сўнг уч кун муддатда

		(кейинги ўриниларда хуқуқбүзарлыштар профилактикасы бўлими деб аталади) бошлигини хабардор қиласди.	
4-босқич	Хуқуқбүзарлыштар профилактикаси бўлими бошлиги	<p>1. Ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшигттан ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли. 2. Ҳимоя ордерини бериш фаолияти устидан мониторинг олиб боради. 3. Профилактика инспекторлари томонидан жабрланувчи, зўравошлиқ содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик малумотларни умумлаштириб, Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги. вилоятлар ички ишлар бошқармалари. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармалари хуқуқбүзарлыштар профилактикаси бошқармаларига тақдим этади.</p>	Заруратга қараб ҳар ойда Ҳар ойнинг 2-кунига қадар
5-босқич	Туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувоғиқлаштириш бошқармаси. туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиги	Хуқуқбүзарлышлар профилактикаси бўлими бошлигининг хотин- қизларни тазийикдан ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳимоя ордерини бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоби боти тезкор йиги- лишларда мухокама қилиб борилади.	Ҳар ойда
6-босқич	Мехнат органлари,	1. Ҳимоя ордери амал	Ҳимоя ордери

		<p>таълимни давлат томонидан бошқарыш органлари, таълим муассасалари, давлат соглиқни саклаш тизимини бошқарыш органлари, соглиқни саклаш муассасалари, Хотин-қизлар кўмитаси ҳудудий бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарыш органлари</p>	<p>килиши даврига мувоғик зиммаларига юкландган вазифа ва функцияларни амалга оширади.</p> <p>2. Амалга оширилган ишлар тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради.</p>	амал қилиши мобайнида
7-босқич		Профилактика инспектори	<p>1. Тазийик ва зўравонликнинг олдини олини, шу жумтадан, уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради</p> <p>2. Хотин-қизларга тазийик ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам равища профилактика ишларини олиб боради.</p> <p>3. Ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қиласи ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.</p>	Мунтазам равища Ҳимоя ордери амал қилиши даврида
8-босқич		<p>Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари</p>	<p>Жабрланувчи, зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотлар умумлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасига тақдим этилади.</p>	Кейинги ойнинг 5-кунига қадар

Химоя ордерида қуидаги чекловлар назарда тутилади:

– тазийқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;

– тазийқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийқ ва зўравонликтан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойлари ва таълим муассасаларида тазийқ ҳамда зўравонликтан жабрланувчининг тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл кўйилади);

– тазийқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийқ ва зўравонликтан жабрланувчи ҳамда тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

– тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийқ ва зўравонликтан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийқ ва зўравонликтан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказга жойлаштириш учун харажатлар, етказилган моддий зарар ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация килиш мажбуриятини юклитиш;

– тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш хуқуқини химоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир хуқуқини тақиқлаш.

Зўравонлик ва тазийқقا учраган жабрланувчиларни маҳсус марказларга жойлаштириш тартиби қандай?

Зўравонлик факти мавжуд бўлган тақдирда тазийқ ва зўравонликтан жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талаби бўйича тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар тазийқ ва зўравонликтан

жабрланувчиларнинг маҳсус марказларга жойлаштирилишини таъминлайди.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчини маҳсус марказга жойлаштириш унинг хоҳишига кўра ўттиз кунгача бўлган муддатга амалга оширилади. Зарурат бўлган тақдирда, бу муддат маҳсус марказнинг уставида белгиланган тартибда узайтирилади. Маҳсус марказга жойлаштириш муддати тугагач, агар тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчига нисбатан хавф мавжуд бўлса, маҳсус марказ маъмурияти бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчи маҳсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинади.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг маҳсус марказда бўлиш вақти унинг таълим муассасасидан машғулотларни ўtkазиб юборганлиги муносабати билан чиқариш учун асос бўлмайди.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар тазийқ ўтказганлик ва зўравонлик содир этганликда айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин.

Бундан ташқари, зўравонлик тақроран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзgartиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик хулқ-атворини ўзgartириш бўйича тузатиш дастуридан ўтади.

**Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил
бўлган шахсларнинг тузатиш дастуридан
ўтишини қайд этиш
ДАФТАРИ**

T/r	Зўравонлик содир этган ёки уни содир етишга мойил бўлган шахснинг Ф.И.О.	Тугилган йили	Яшаш жойи, телефон раками	Иш жойи	Дастурдан ўтиш санаси	Дастурдаи ўтиш натижалари
	1	2	3	4	5	6
1.						

Ёдда тутинг!

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчига ёрдам кўрсатган шахсларга маълум бўлиб қолган барча шахсга доир маълумотлар шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун хужжатлари билан кўриқланади.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг шахсига доир маълумотлар ишониб топширилган ҳамда касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан бу маълумотлар ўзига маълум бўлиб қолган, ушбу маълумотларни ошкор этишга йўл қўйган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8-§. ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚДАН ЖАБРЛАНИШНИНГ ОЛДНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ВА УЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ ҚАНДАЙ?

Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси самарадорлигини ошириши йўллари қўйида-гилар:

- ✓ ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оиласларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оиласлар билан профилактика ишини ташкил этиш;
- ✓ ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриш;
- ✓ маъмурий худудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш;
- ✓ ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузардан жабрланувчига айланиш хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирлар қўллаш;
- ✓ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрни ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- ✓ нотинч оиласларда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- ✓ оиласларни зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;

- ✓ хуқуқбузарликлардан жабрланғанларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ✓ оиласдаги зўравонлик билан билан боғлиқ хуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;
- ✓ оиласдаги зиддият ва низоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда мавжуд куч ва воситалардан фойдаланган ҳолда уларни ҳал этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- ✓ хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш;
- ✓ зўравонлик ҳолатлари, уларни содир этган шахсларни ва ундан жабрланғанларнинг профилактик ҳисобини юритиш ҳамда бундай маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш;
- ✓ зўравонлик ва унга боғлиқ хуқуқбузарликларнинг профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва иштирок этувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш;
- ✓ зўравонлик ва унга боғлиқ хуқуқбузарликларни содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ оиласда фарзанд тарбияси билан шуғулланмаётган ва улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида суд ва прокуратура органларига тақдимномалар киритиш;
- ✓ оиласдаги зўравонлик ва унга боғлиқ хуқуқбузарлик содир этган, улардан жабрланғанлар билан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўришдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2019 йил // www.lex.uz //
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 2019 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. [lex.uz](http://www.lex.uz) // www.lex.uz //
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: Расмий нашр. – Тошкент, 2019. – Б. 672.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2019. – Б. 528.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Тошкент, 2008 й., 16-сон, 118-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни химоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008 й., 44-45-сон, 445-модда; 2014 й., 52-сон, 624-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 29 сентябрдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010, 39-сон, 341-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 10 апрелдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 марта даги ПҚ-2833-сонли қарори. lex.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласвий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3827-сон қарори. lex.uz.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони. lex.uz.

13. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят хуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т.: ТДЮИ, – 2005. – Б. 231.

14. Алексеев А.А. Насильственная преступность и карательная практика. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Омск: ЮИ МВД РФ, 1998. – С. 18.

15. Астанов И. Оиладаги зўравонликнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий тажриба // Оиладаги зўравонликларнинг сабаблари ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий тажриба республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси. – 2018. – Б. 52.

16. Зокирова О.Ф. Рашқ мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари: Монография. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 202.

17. Тахиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан ном. дисс. Автореф. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 41.

18. Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш. Юрид. фан. номз. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореф. – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б. 25.

19. Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш. Юрид. фан. номз. дисс. Автореф. – Т., 2008. – Б. 58.

20. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминологик жиҳатлари). Юрид. фан. номз. дисс. – Т., 2006. – Б. 43.

НИЁЗОВА САЛОМАТ САПАРОВНА

**ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯЛАНИШ
ХУҚУҚИНГИЗ БОР**

Рисола

Масъул мұхаррір: Ҳ. Салоева

Мұхаррір: Ф. Мұхаммадиева

Техник мұхаррір: У. Санаев

Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражапов

Босишига рухсат этилди: 16.06.2021.
Хажми: 2 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 9.

Тошкент давлат юридик университети
Типография бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.